

Масжидул Набавий Рамазоннинг сўнги 10 кунда ташриф буюрувчилар учун очик бўлади



07:00 / 04.05.2021 1426

Мадина шаҳрида жойлашган Масжидул Набавий Рамазоннинг сўнги 10 кунда ибодат учун очик бўлади. Бу ҳақда islam.ru манбаси хабар берди.

Якшанба кунини бошланиши керак бўлган Рамазоннинг сўнги 10 кунини, Лайлатул Қадр кечасини муқаддас ойнинг энг мубарак даври ҳисобланади. Саудия Арабистони матбуот агентлиги (СПА) хабар беришича, масжидда коронавирус тарқалишининг олдини олиш ва намозхонларнинг фаровонлик билан ибодатни ўташларини таъминлаш учун қатъий чоралар кўрилган.

Ҳаж ва Умра вазирлиги Масжидул Ҳарамда Қадр кечасини ўтказиш учун рухсатномаларни Eatmarna ва Tawakkalna дастурлари орқали банд қилиб олишлари мумкинлигини эълон қилди.

Мунира Баҳодиржон қизи таржимаси